



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Шайхонтоҳур тумани босқичи бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика, шаҳар ва туман бўлими, Ички ишлар бош бошқармаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимизнинг раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида маҳалла жамиятимизда маънавий-маърифий қадриятлар, соғлом турмуш тарзининг қарор топиши, ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, таълим, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлашда катта ҳисса қўшаётгани, шунингдек, мазкур танлов маҳалла раислари ва маслаҳатчиларининг билим ва малакаси орттиришда, маҳалла институтининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Танловда, дастлабки саралаш баҳсларида иштирок этган 49 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 14 таси туман босқичи қолиблиги учун баҳс-лашилди. Унда, танлов шартларида мувофиқ иштирокчиларнинг билим савияси, дунёқараш, маҳорати, иш тажрибаси, тизимга оид ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди.

Танлов ҳакамлар хайъатининг ҳулосасига кўра, «Янгиобод» маҳалласи биринчи ўринга лойиқ топилиб, танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, иккинчи ўрин Ибн Сино номли маҳаллага, учинчи ўрин эса «Обиназир» маҳалласига насиб этди.

Танлов якунида барча ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Даврон НУРМАТОВ
Азамат Аҳмедов олган сурат

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Х.Мелиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Қўрилаётган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари натижасида фуқаролик жамияти институтлари барқарор ривожланиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизда саккиз мингдан зиёд ННТ фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик

жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинган давлат бож миқдори беш баравар камайтирилди. Рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмаларини, жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божини ундирилмайди. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божини белгиланган миқдорнинг эллик фоизи миқдорида ундирилиши белгиланди. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш муддати икки ойдан бир ойга қисқартирилди.

Бу каби чоралар фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизация қилиш борасидаги ислохотларни амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш,

ННТларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйишда кенг имкониятлар яратмоқда.

Фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, унинг сифат кўрсаткичларини хорижий мамлакатлардаги ҳудди шундай вазият билан қиёсий таҳлил этиш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафаслиги ва барқарорлигини намойён этмоқда. Бунда юртимизда ННТлар фаолиятининг мустақам ҳуқуқий асослари яратилгани ва замон талабларидан келиб чиқиб янада бойитиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этаётган.

Семинарда ННТ вакиллари соҳага оид янги меъёрлар, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низом мазмунини, ННТлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари, ННТ, жумладан, диний ташкилотлар, халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимлари ҳамда уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларига бериладиган аккредитация қарточкаси шакли билан таъиништирилди.

Н.АБДУРАИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЎЗ ВАТАНИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий сўров шу мавзуга бағишланди. Ижтимоий тадқиқот Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Тадқиқотдан қўзланган мақсад ёшларимизнинг маънавий ва ҳаётий қадриятлари, маданияти ва «оммавий маданият»га нисбатан муносабатини ўрганишдан иборат бўлди.

Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, таълим ёш авлодининг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунинчи, 2010-2011 йилларда ўтказилган ижтимоий сўровларда ёшларнинг учдан бир қисми олий маълумотли бўлиш истагини билдирган бўлса, 2013 йилда ҳар иккинчи (57,2 фоиз), 2015 йилда эса 73 фоиз йигит-қиз олий таълим муассасасида ўқишни хоҳлашини билдирган. Улар орасида коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга ёшлар бор.

Тадқиқот натижаларига кўра, ёш авлод вакиллари таълим жараёнида чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратаётган. Бу борада ёшлар давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этмоқда.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳаётий қадриятларини ўрганиш натижалари шундан далolat берадики, ёшлар оила, ўқув муассасаси, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение маънавиятини юксалтиришга таъсир кўрсатадиган муҳим омил деб билади. Мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий онгида оила муҳим тарбия муҳити, деган фикр мустақам ўрин олган. Сўровга мувофиқ, иштирокчиларнинг мутлақ кўпчилиги ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Сўров натижалари спорт ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг асосий тури эканини кўрсатмоқда. Бу Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг амалий самараларидан биридир. Ижтимоий тадқиқотга кўра, 80 фоиздан зиёд ўғил-қиз спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бу эса спортнинг ёшлар ўртасида оммавийлашиб бораётганидан далolatдир.

Шуниси эътиборга лойиқки, ижтимоий сўровда ёшлар онги сезиларли даражада ўсгани аниқланди. Бу ёшларимиз дунёқарашининг кенгайиб бораётгани, уларда ватанпарварлик, ўз Ватани билан фахрланиш ва унга содиқлик туйғуси ривожланаётганидан далolat беради. Юксак даражадаги ватанпарварлик туйғуси мамлакатимиз ёшлари учун хос бўлиб, бу ҳис-туйғу йил сайин юксалиб бораётган.

Ушбу жиҳатлар ёш авлодининг Ватанимиз тарихи ва аждодларимизнинг бебаҳо меросига қизиқишида ўз аксини топаётган. Сўров шуни кўрсатдики, мамлакатимиз тарихий ўтмишини ўрганишга интилиш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва илмий меросига бўлган қизиқишнинг кучайтириш ёшларда юртимиз келажигига дахлдорлик ҳиссини шакллантиради.

Ёшларнинг аксарияти (94,3 фоизи) мустақиллик йилларида ёш авлод вакиллари билан ватанпарварлик туйғуси мустақамланишини таъкидлади. Тадқиқот иштирокчиларининг деярли барчаси ўз яшаш жойи, жинси, ёши, оилавий ҳолати, маълумоти ва миллатидан қатъи назар, шундай фикрни билдирди. Уларнинг фикрича, ватанпарварлик туйғуси Ватанга садоқат ва муҳаббат, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатининг буюк келажига учун курашиш, халқининг тарихи, маданияти ва миллий урф-одатларини билиш ва ҳурмат қилишда ўз ифодасини топомқда.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, ахлоқи ва ижтимоий қайфиятидаги ўзгаришларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, мустақиллик йилларида ёшларимиз ҳаётининг қадриятлар, қизиқишлар ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, мақсадга интилувчанлик, ижтимоий фаоллик каби устувор йўналишлар шаклланимоқда. Бу эса уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий қайфиятида намойён бўлмоқда.

Муҳтасар айтганда, ушбу ижтимоий тадқиқот ёшларимизнинг аксарияти ҳаётдан мамнунлиги ва Она Ватани билан фахрланишини кўрсатди. Бу Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ёшларга оид давлат сиёсатининг самарасидир.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎЗА мухбири М.МАМЕТОВА
тайёрлади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Яккабоғ туманидаги «Дармон фарм» хусусий корхонасига 300 минг евролик сармоя эвазига Европа давлатларидан мевани қайта ишлаш дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Ушбу замонавий ускуналар ёрдамида беш турдаги табиий мева шарбатлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

• Самарқанд шаҳрида лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларилик «Samarqand-Turkiston-do'stlik» қўшма корхонаси фаолият бошлади. Ўтироф этиш керакки, 50 кишининг бандлиги таъминланган мазкур ишлаб чиқариш субъекти вилоятда хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган бир юз тўқсон иккинчи корхонадир.

• Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ўтказилган медиа-тренингда ёш журналистлар фаол иштирок этди. Медиа-тренингда «Юрт келажиги», «Камалак юлдузлари» сингари кўрик-танловларда ғолиб деб топилган истеъдодли ёшлар, ҳаракат фаоллари, бошланғич ташкилот етакчилари, «Камолот» фаолиятини ёритишда ўз иқтидорини намойён этган 150 нафар ёш, ҳаваскор журналист иштирок этди. Медиа-тренинг якунида фаол иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

• Наманган вилоятининг Норин туманида «Норин» болалар ёзги оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Туманининг Эски Ҳаққулбод қишлоғида иш бошлаган янги оромгоҳда мавсум давомида 800 нафар ўғил-қиз марокли дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайлик яратилган. Умумий майдони қарийб тўрт гектарни ташкил этган оромгоҳ турфа гуллару, ям-яшил майсазор ва манзарали дарахтларга буркангани ўзига хос экобоғни эслатади. Бу ерда ўрнатилган фавворадан мусиқа оҳангларига ҳамоҳанг отилаётган сув киши руҳиятига сокинлик бағишлайди.

ЖАҲОНДА

• «The International Journal of Epidemiology» нашрида баён қилинишича, уйку режимининг бузилиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи бир қанча омилларга йўл очаркан. Хусусан, мазкур ҳолат спиртли ичимликлар истеъмол қилишга мойилликни ошириши, ортиқча вазнининг пайдо бўлиши ёки чекишни ташлашга халал бериши мумкинлиги таъкидланган.

• АҚШнинг кийим-кечак савдоси билан шуғулланувчи «Gar» компанияси мамлакатда ва Европа давлатларида фаолият кўрсатаётган 175 та дўконини ёпмоқчи. Бундай қарорга қелишга уларнинг айримларидан паст даромад олинаётгани, бир қисми эса ноқулай ҳудудларда жойлашгани сабаб бўлган.

• Тунис пойтахтидан 60 километр жанубда жойлашган Эл-Фахс ва Бу-Арада аҳоли яшаш пунктлари ўртасида поезд ҳамда юк машинаси тўқнашиб кетди. Оқибатда 18 киши ҳаётдан кўз юмган, 98 киши тан жароҳати олган.

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ

Юқори касба уюшма ташкилотларининг қарорларига асосан 2015 йилнинг февраль-май ойларига Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотларининг барча бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ўтказилди. Барча таркибий тузилмаларга йиғилишлар ва конференцияларни тайёрлаш ва ўтказишда ҳар томонлама амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди. Йиғилишлар ва конференцияларни ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва касба уюшма ташкилотларига тарқатилди. Бошланғич касба уюшма ташкилотлари, касба уюшмалари туман кенгашилари, бирлашган касба уюшма кўмиталарига ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ўқув-семинарларни ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бирлашма Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими томонидан барча касба уюшма туман кенгашиларида семинарлар ўтказилди. Касба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари жадвалга мувофиқ йиғилишлар ва конференцияларда иштирок этдилар.

Касба уюшма йиғилишлари ва конференциялари асосан жадвалга мувофиқ белгиланган муддатларда касба уюшма гуруҳлари, цех кўмиталари, бошланғич, бирлашган касба уюшма ташкилотлари ва таълим, фан ва маданият ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмалари туман кенгашиларида ўтказилиб, касба уюшма ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти чуқур таҳлил этилди, давр талабига бино-

Ҳисобот-сайловлар касба уюшмалари фаолиятида муҳим жараён бўлиб, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга ҳолисона баҳо берилиб, сарҳисоб қилинади ва касба уюшма ташкилотларига жамоа ишончини қозонган муносиб кишилар сайланади.

ан касба уюшма ташкилотларининг ишини тубдан яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Пленумлари ва Раёсатларининг қарорлари бажарилиб, ҳисобот-сайловлар мобайнида касба уюшма аъзолигининг афзалликларини асослаш борасидаги ишлар кучайтирилди. 2015 йилнинг 5 ойи мобайнида нодавлат сектори тизимида 379 та янги касба уюшма ташкилотлари тузилди.

Барча касба уюшма ташкилотларида сайловлар очик овоз бериш тартиби билан амалга оши-

ва ечимини қутаётган муаммолар муҳокама қилинмоқда. Жумладан, Тошкент электромеханика заводида 81 та касба уюшма гуруҳлари ва 57 та цех кўмиталарида йиғилишлар ўтказилиб, касба уюшма ташкилотининг роли муҳокама этилди, унинг касба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларини ҳал этишдаги амалий таъсири таҳлил этилди. Барча касба уюшма ташкилотлари бўғинларида касба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, касба уюшма аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш масалаларини ҳал этишдаги амалий таъсирчанлиги, қатъиятлилиги ва масъулиятилик нуктаи назари билан кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими касба уюшмалари Республика Кенгаши-ларининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилари ва касба уюшмалари туман кенгаши-лари билан биргаликда ўзларининг мажлисларида ўтказилган ҳисобот-сайлов компаниясининг якунларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилмоқдалар, йиғилишлар ва конференцияларда билдирилган таклифлар эътиборга олиниб, шунингдек, янги сайланган касба уюшма фаолларига ёрдам кўрсатиш ва ўқишлар ҳамда семинарлар ўтказиш борасида ташкилий ишларни олиб бормоқдалар. Амалга оширилаётган ишлар касба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

В.ШУЛЯТНИКОВА,

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг етакчи мутахассиси

КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЖАРАЁН

рилиб, касба уюшма ташкилоти фаолиятига қониқарли баҳо берилди. Касба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳимоя борасидаги муаммоларини ҳал этишга саъй-ҳаракат қилаётган касба уюшма ходимларининг таркиби таҳлил этилди. Жумладан, машинасозлик саноати соҳасида касба уюшма гуруҳларига сайланган 115 кишидан 30 ёшгача бўлганлар 25 кишини, аёллар 90 нафарни ва илк бор сайланганлар 28 нафарни ташкил этди. Транспорт ва қурилиш индустрияси соҳасидаги касба уюшма гуруҳларида сайланган 116 нафар аъзодан 41 нафарини аёллар, 7 нафарини ёшлар ва илк бор сайланганлар эса 23 кишини ташкил этди. Алоқа ходимлари касба уюшма гуруҳларидан 288 тасида сайланганлардан 199 нафари аёллар, 73 нафари ёшлардан иборат бўлди.

Жойларда меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига танқидий ёндошилмоқда

Ёзнинг иссиқ кунларида тоғ бағридаги енгил шабада эсан, хушманзара, соя-салқин оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш гоёт ёқимлидир. Жаннатмакон юртимизнинг пурвиқор тоғлар бағридаги пойтахт корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

ЁЗГИ МАВСУМ
МАЗМУНЛИ
ЎТАДИ

Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилотларининг шаҳардан ташқаридаги табиат бағрида жойлашган сўлим болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 2015 йил ёз мавсумида жами 42 минг 500 нафардан зиёд меҳнаткашларнинг фарзандлари соғломлаштирилади. Шу жумладан, 26 минг 500 нафар бола шаҳар ташқарисидаги 24 та стационар оромгоҳларда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг фарзандларидан 1700 нафари Тошкент шаҳар корхона, ташкилотлари тасарруфидаги баҳаво, гўзал оромгоҳларда дам олишади. 16 минг нафар бола эса Тошкент шаҳар умумтаълим мактаблари қошида ташкил этиладиган 36 та кундузги оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқарадилар.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бosh бошқармасининг 2015 йилдаги ҳамкорлик фаолияти бўйича қўшма тадбирларига биноан ёзги таътил кунларида тоғ бағридаги оромгоҳларда ва шаҳар мактаблари қошидаги кундузги оромгоҳларда дам олаётган болалар учун «Ёз — 2015» шиори остида маданий-маърифий кечалар, давра суҳбатларини ўтказиш, «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида бола-лар соғломлаштириш оромгоҳларида спорт тадбирларини уюштириш режалаштирилган.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бosh бошқармасининг 2015 йилдаги ҳамкорлик фаолияти бўйича қўшма тадбирларига биноан ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Камолот кунлари» маданий-маърифий тадбирлари уюштирилади. Оромгоҳларда шоирлар, адиблар, олимлар, таниқли спортчилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари, эл эъзозидagi фahрилар билан ўтказиладиган учрашувлар, давра суҳбатлари болалар дунёқарашининг янада кенгайишига, тафаккурининг юксалишига, маънавий оламнинг бойишига хизмат қилиб, ёшликда олган билим тошга муҳрлангандек уларнинг қалбига яхши таассурот, ўнмас хотира қолдиради.

Ирода ҲИКМАТОВА,

Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЛ СОҒЛИФИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда мазмунли дам олдирish касба уюшмалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизда «Эл соғлиғи — юрт бойлиғи» деб бежиз айтилмаган. Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг «Кексаларни эъзозлаш йили» дастурида корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган кексаларни санаторийларда бепул соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг май ойи мобайнида 80 нафар ишловчи кексалар касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда мароқли ҳордиқ чиқаришди.

Касба уюшма бадаллари ҳисобидан Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлаш-

маси Кенгашининг «Кексаларни эъзозлаш йили» дастурига мувофиқ, 102 нафар кексаларни касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда имтиёзли йўланмалар билан май ойи мобайнида соғломлаштириш ишлари амалга оширилди. Табиат бағридаги гўзал дам олиш масканларида дам олиш учун ишчи-ҳодимларнинг оила аъзоларига жорий йилнинг май ойида 45 та йўланмалар берилди. Иссиқ ёз фаслида меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари мамлакатимиздаги барча зарур қўлай шарт-шароитларга эга бўлган дам олиш масканларида

мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш касб касалликларининг олдини олишга, корхона, ташкилотлар, муассасаларда меҳнат унвондорлигининг ошишига хизмат қилади.

Ёзги мавсум ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда мароқли дам олишда муҳим ўрин эгаллаб, бундай масъулиятли ва хайрли ишни изчиллик билан амалга ошириш борасида бор куч-гайратимизни аямаймиз.

Дилшод ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ижтимоий сўғурта бўлими мудири

Тошкент марказий темир йўл вокзалида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 510 нафар ўғил-қиз тантанали кутиб олиниб, сўнг улар Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари тасарруфидаги «Соғдиана — Сойлик», «Транспортчи авлод», «Конструктор», «Зилола» ҳамда «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун жўнаб кетишди.



Ёз — 2015

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР
БАҒРИГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Тошкент вилояти ҳудудидаги сўлим ғўшаларда жойлашган маъмур бола-лар соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Юртимизда бола-ларнинг ёзги таътил мавсумини мазмунли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Жорий йилда илк маротаба Қорақалпоғистон Республикасидан болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун келаётган ўғил-қизларнинг 60 нафари «Ўзқабель» АЖ қўшма корхона тасарруфидаги «Зилола» болалар соғломлаштириш

оромгоҳига йўл олишди, — дейди «Ўзқабель» АЖ қўшма корхонасининг касба уюшма кўмитаси раиси Рустам Турсунов. — Болажонларни мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун оромгоҳларда барча шарт-шароитлар яратилган. Хар йили апрель ойидан бошлаб бир ой давомида оромгоҳдаги қурилиш, таъмирлаш, электр ишларига эътибор қаратилади. Оромгоҳда инглиз тили, моҳир кўллар, рақс, спорт тўғрисидаги фаолият олиб боради. Сув ҳавзаси, футбол майдончалари эртаими эгаларининг мароқли ҳордиқ чиқаришларида хизмат қилиши шубҳасиз.

— «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқаришдан хурсандман, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 35-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Эркебулан Йўлдашев. — Бу оромгоҳга биринчи марта боришим. Спортнинг сузиш турига қизиқаман. Кўплаб дўстлар орттириб, сўлим ғўшада дам олиб, катта куч-гайрат билан мактабим бағрига қайтиш ниятидаман.

— Аввалги ёзги таътил даврида ҳам сўлим ва баҳаво ғўшада дам олиш билан бирга тенгқурларим билан ёзни мароқли ўтказган эдик, — дей-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолигини ошириш» мавзуида

ДАВЛАТ ГРАНТИ
БЕРИШ УЧУН
ТАНЛОВ ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда фуқаролар фаоллигини ошириш.

2. «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда маъмур қонун меъёрларининг жойларда бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

3. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиётини ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

4. Кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини омаллаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, хашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш.

7. Кўчалар ва турар-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича вазифаларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти ва ўрнини ошириш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратини таъминлашга қаратилган чоратадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини кучайтириш.

9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза муқобил энергия манбаларини татбиқ этиш.

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш.

11. Экологик ҳалокат — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш.

12. Экологик таълимни ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, фуқароларнинг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Маъмур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А-4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, «Бунёдкор» шохқўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди» номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида таъиниши мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 16 июндаги қарори билан шаҳримизнинг айрим метро бекатлари номлари тартибга келтирилди. Ушбу қарорга биноан Ҳамза номли метро бекати номи — Новза метро бекати, Ҳабиб Абдуллаев номи метро бекати номи — Шахристон метро бекати деб қайта номланди.

ЯНГИ НОМЛАР

Новза — жойнинг тарихий номи ҳисобланади. Қадимда ўша жойдан ўтадиган Бўзсув канали ирмоғига тўғон қурилиб, баландликдаги бўш ётган ерларда бог-роғлар яратилиб, экинзор далаларга нов (тўғон) орқали сув чиқарилган. Шу муносабат билан бу жой ва унинг яқин-атрофидаги ерлар ва маҳалла «Новза», яъни нов орқали сув чиқарилиб обод қилинган жой деб аталган. Айтилган Чилонзор туманида жойлашган ушбу ҳудудда шу номдаги маҳалла, кўча, бекат, савдо мажмуаси ва масжид бор.

Шахристон ҳам жойнинг тарихий номи ҳисобланади. Обод шаҳар маъносини англатади. Қадимда бог-роғ ҳудуди бўлган. Шаҳар аҳолисини мева ва сабзавот экинлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутган. Ўтган асрнинг биринчи ярмида бу жой шаҳар ҳудудига қўшилиб, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ҳамда маъмурий иншоотлар, кенг ва раво йўллар бунёд этилди. Шаҳар аҳолиси орасида бу жой шу ном билан маълум ва машҳур. Жойдаги метро бекатининг лойиҳадаги номи дастлаб шундай юритилган. Айтилган Юнусобод туманининг марказида жойлашган ушбу ҳудудда шу номли чорраха, савдо мажмуаси, бекат, маҳалла ва кўча мавжуд.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссияси

Тиббиёт

САМАРАЛИ ДАВОЛАНИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидан иккита даволаш-профилактика муассасаси, хусусан, кўп тармоқли марказий поликлиника ва 6-шаҳар клиник шифохонаси фаолият юритмоқда. Улар аввало энг замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан мукамал таъминланиб, беморларни изчил қабул қилиш, тўғри ташхис қўйиш ва самарали даволаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Чунончи, кўп тармоқли марказий поликлиника бир кунда 450 беморни қабул қилиб, муолажа усулини тайинлаш имкониятига эга. Шунингдек, туманининг Бинокор шаҳарчасида ташкил этилган 75 беморни қабул қилувчи поликлиника шохб-часи ҳам маҳаллий аҳолига узоққа қатнаб юрмай, шу шаҳарчанинг ўзида малакали врачларга мурожаат қилиб, вақтида даволаниши учун амалий ёрдам бермоқда.

Тумандаги каттао кичик, эрқагу аёлларнинг саломатлиги ёш ва жинсларига қараб текшириб борилади. Масалан, аҳолининг ярмидан кўпи, аниқроғи 18 минг 596 нафарини катта ёшдаги фуқаролар, 11 минг 900 дан зиёдини болалар ва ўсмирлар, 8184 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Туман тиббиёт бирлашмаси ўз тасарруфидан муассасаларда мурожаат этувчиларни текшириш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларининг шу асосда ташкил этилишини назорат қилиб боради.

Ҳозирги вақтда тумандаги даволаш ва профилактика муассасаларида жами 269 нафар ходим аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шундан 54 нафари врачлар, 170 нафари ўрта махсус, 22 нафари кичик тиббиёт ходимларидир.

Миллий матбуот марказида травматология соҳасида илм-фан ва амалиётда эришилаётган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори М.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида травматология ва ортопедия хизматини тақомиллаштириш, соҳада жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланишга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли саломатлигини муҳофизатлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларида бирламчи тиббий-профилакти-

тика ёрдамни кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Шош-линч тиббий ёрдам тизимида замонавий тиббий диагностика ва даволаш усуллари воситасида бе-

ҚАНОАТ ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бебаҳо маънавий меросимиз, дину диёнатимиз тикланди. Мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланиб, турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигига кенг йўл очилди. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сўраётган тинч-осойишта, фаровон ҳаёт, турли миллат ва элатлар ўртасидаги меҳр-оқибат муҳитида яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 июндаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»-ги Қарори жамиятимиздаги эзгу қадриятларни янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Рамазон эзгу амаллар оғидир. Бу кунларда эҳсон-саховатларни ҳар қачонгидан кўпайтириш, оилаларга, бемор ва ногиронларга ёрдам қўлини чўзиш, мухтожлар ҳолидан хабар олиш фазилатли ва савобли ишлардан саналади.

— Рамазон ойида муқаддас амалларга эътибор янада кучаяди, — дейди Олтинсой туманида яшовчи Юсуф ота Ҳакимов. — Яратганга шукр, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо. Бунга ҳар қанча шукрона айтсак оз. Юртбошимиз раҳнамолигида биз, фахрийларга кўрсатилаётган эътибордан бошимиз кўкка етмоқда. Рама-

зон ойида ана шу ғамхўрликларга жавобан дуода бўлиш, эзгулик, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик каби фазилатларимизни ёш авлодга чуқур сингдириш биз, кексаларга тан.

Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда ўтказишда маҳаллалар ҳамда жамоат ташкилотларининг роли катта. «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, барча маҳаллаларда Рамазон ойининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунириш, ўсиб келаётган авлодни истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган қўллаб-тарғибот тадбирлари ўтказилиб, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, қабристонлар ободонлаштирилади.

Кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига ҳомийлик ёрдамлари амалга оширилади.

— Маҳалламизда Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказишга бағишланган тадбир уюштирдик, — дейди Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонул-ла Муталов. — Шу кунларда ёши улур, ёлғиз кишилар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга дори-дармон ва тиббиёт воситалари, совғалар топширилмоқда. Барча кўча, майдон ва ҳовлиларнинг саранжом-сарипталигига эътибор қаратилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, тинч ва фаровон элга байрамлар ярашади. Халқимиз Рамазон ойини эзгу амаллар, кўтаринки руҳ билан кутиб олаётгани ҳам юртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусоффолиги, дастурхонимиз тўқинлигидандир. Шу муборак кунларда нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очиб, бугунги саодатли, осойишта ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтиб, хонадонларга файзу барака тиламоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Бектемир — пойтахтнинг кенжа тумани. Шунга қарамай, 30 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатувчи барча ташкилот ва муассасалар қатори тиббиёт тармоқлари ҳам мукамал ривожланиб, туман аҳолиси саломатлигини ишончли муҳофиза қилиб бормоқда.

54 нафар врачнинг 24 нафари олий тоифали, 3 нафари биринчи ва 2 нафари иккинчи тоифали мутахассис. Ўрта тиббиёт ходимлари ва соҳа ўқув юртларини 2011 йилдан кейин битириб келган 54 мутахассислар ушбу юқори тоифали врачлар устозлигида касб маҳоратларини мунтазам ошириб бораётган.

— Бирлашмаимизнинг даволаш-профилактика муассасаларида азалдан бир яхши одат анъанага айланган, — дейди бош шифокор Кундуз Сайдалиева. — Ходимларимиз кекса фуқаролар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, фронт орти меҳнат фахрийларининг мурожаатларига алоҳида эътибор билан қарашади. Кексаларни эъзозлаш йилида, табиийки, бу хайрли анъана янада изчил тус олади.

Кексаларни тиббий кўрикдан ўтказишда ва соғломлаштириш ишларини изчил олиб боришда терапия бўлими мудири Умида Давронова, кардиолог Дилором Махмурова, умумий амалиёт шифо-

корлари Зумрад Аймамбетова, Диласал Раҳматова, Саодат Норкуловалар бошқа касбдошларига ўрناк бўлишмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



навий андозалар даражасида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳада қарийб бир минг уч юз малакали олим ва шифокор фаолият юритмоқда. Суяк-бўғим касалликлари ва жароҳатларига ташхис қўйишда компьютер томограф, рақамли рентген аппаратлари, артроскоп, ультратовуш таҳлил воситалари ва бошқа илғор тиббий технологияларнинг жорий этилиши касалликларни эрта аниқлаш ва даво-

усулда даволаш борасидаги муҳим натижалар бунга мисолдир.

— Илгарилари суяк синишини жарроҳлик усулида даволаш кўрсаткичи 10-12 фоизни ташкил этарди, — дейди Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори ўринбосари Мурод Солиев. — Илм-фан ва тиббиёт тараққиёти натижасида бугунги кунга келиб бундай беморларнинг аксарияти соғломлаштирилмоқда. Кам инвазивли, инсон вужудида оғир асорат қолдирмайдиган, беморларни тезда оёққа тургазиб, соғлом ҳаётга қайтаришга хизмат қилаётган бундай замонавий диагностика ва даволаш усуллари вилоятлардаги шифохоналарда ҳам муваффақиятли қўлланилаётгани замонавий тиббий ёрдамни халқимизга яқинлаштиришда юксак самаралар бераётди.

Тадбирда соҳада янги даволаш усуллари жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган илмий лойиҳалар, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида электрон мурожаат тизимини жорий этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



Мен фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилмоқчи эдим. Даъво аризасига асосан нималар кўрсатилиши керак?

Ж.Эгамова,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасига кўра, даъво аризасида шундай маълумотлар кўрсатилиши лозим. Аввало — ариза берилаётган суднинг номи; даъвогарнинг исм-фамилияси ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги; жавобгарнинг исм-фамилияси, яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги. Шунингдек, даъвогарнинг талаби; агар даъвои баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси. Шу билан бирга, даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар. Ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишоннома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши белгиланган.

Ҳамиджон ЗАХИДОВ,
Яккасарой туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси

Алимент тўлаш қонун бўйича қандай ҳолатларда тугатилиши мумкин? Алимент тўлашнинг тугатилиши ҳолатлари юзага келганда бу иш қим томонидан ва қандай амалга оширилади?

А.Вахидова,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 147-моддасига мувофиқ: Алимент тўлаш тўғрисидаги қелишувда белгиланган алимент мажбуриятлари базис ҳолатларда, белгиланган ва назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугатилиши мумкин.

Жумладан, бола вояга етганида ёки вояга етмасдан туриб, тўла муомала лаёқатига эга бўлганда, шунингдек, фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда; суд алимент олувчининг меҳнатта лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмаган қолган, деб тоналган; меҳнатта лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи соғиб эр ёки хотин янги никоҳга кирганда ёки алимент олувчи ёхуд алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда.

Шу каби ҳолатларда суд тартибда ундирилаётган алимент тўлаш тугатилади. Алимент тўлашнинг тугатилиши ҳам суд тартибда амалга оширилиши белгиланган.

Санжар ТОЖИДДИНОВ,
Олмазор туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

Мерос тақсимланишини талаб қилишга қим-лар ҳақли? Мерос тақсимоти меросхўрлар ўртасида қай тартибда амалга оширилиши керак?

Л.Шарипова,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150 - моддасига асосан меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг қелишувига кўра, ўзларига тегишли улушларга мувофиқ амалга оширилади. Борди-ю қелишувга эришилмаган бўлса, манфаатдор меросхўрнинг, ёки меросхўрлардан исталган бири, шунингдек, бир нечтасининг даъво аризасига асосан, суд тартибда ҳал этилиши белгиланган.

Қамолддин ҚАМАРОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги 7-сонли ДНИ нотариуси

Тузилган васиятномани бекор қилиш ёки унга ўзгартiriш қиритиш қандай тартибда амалга оширилади? Ўзгартiriлган ёки бекор қилинган васиятномани кейинчалик зарур бўлиб қолса, қайта тиклаш мумкинми?

Н.Топиболдиев,
Яккасарой тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига асосан: васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёки ундаги айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартiriшга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма аризасига кўра, нотариус ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан аввалги барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки кейингича зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар кейинги васиятнома ҳам ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартiriлган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятноманинг қайта тикланмаслиги белгиланган.

Қаромат МАРАҲИМОВА,
Миробод туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

Уй сотиб олиб, уни расмийлаштирмоқчи эдик. Лекин уйнинг эгаси ногирон бўлиб, нотариал идорага бориб, ҳужжатларни имзолашга имконияти йўқ экан. Бу масалани қандай ҳал қил-сак бўлади?

С.Жўраев,
Юнусобод тумани

«Нотариат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига асосан фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар шу фуқаро яшаб турган ҳудудда жойлашган нотариус томонидан амалга оширилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига асосан «Нотариал идоралар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади». Шунингдек, бу ишларни бажариш учун жойга бориш билан боғлиқ амалда сарфланадиган харажат тўлиниши белгиланган.

Санам АЗИМОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Катта халқа йўлининг Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳасида кўприк қачон фойдаланишга топширилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприklar, хибонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусн тароват касб этган қадимий обидалар, қадимжолар гузал ва бетакрор шаҳримиз кўригига кўрк қўймоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.


Хар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўллангани лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.



ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Яхши деган ном буюк иморатлардан ҳам баландроқдир.

Фарзандлар! Сизга насиҳат қилганлар дўстларингиздир, аксинча, ёмон ишларни ўргатадиганлар душманларингиздир.

Кимки яхшилик йўлида уринсаю бироқ биронта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди.

Яхшилик иморати нуқсонлардан холи бўлиб, тирикликнинг офтоби уларни доимо ҳимоя қилиб туради.

Сен «Яхши» деган номдан иморат тиклашга урин, то одамлар бу иморат деворига номингни «Яхши» деб ёзиб қўйишсин.

Яхшилик қилганга ёмонлик қилишдан кўра разилроқ пасткашлик йўқ.

Одамлар икки нарсга билан тақдирланадилар: яхшилик қилган — яхшилик билан, ёмонлик қилган — ёмонлик билан.

Яхшилик ёмонликни куйдирувчи олов. Яхши билан дўст бўлган ёмонлардан қутулар.

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган эди:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсинг қўйига кирма, топганинга қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма. Одамларга кўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса алданма.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларига талабгорлар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели, Чилонзор туманларида ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидан (мўлжал: машина бозори рўпараси ва Сергели тумани, Қўйлик 5-дахаси рўпарасида) якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи эга бўлишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99899) 193-03-13 (+99871) 292-71-84



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида шахрнинг об-ҳаво шароити 19 июнь кунги ҳаво ўзагиб шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди, метр тезликда шамол эсади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

дузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 19 июнда Тошкент

Кўргазмалар

РАССОМНИНГ ИЖОДИЙ МАҲОРАТИ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида рассом Лариса Дабижанинг «Ичимиз дарё, атрофимиз денгиз» номили шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Мусаввир биргина мавзуга юзланиб қолмаган, суратларини турлича ракурсларда акс эттирган. У ғайриодатий ижодкор. Рассомнинг асарлари ўзининг ички дунёсини намойён этган.

Кўргазмадан жой олган рангтасвир асарлари сув мавзуга бағишланган бўлиб, унда ижодкор абадий ва битмас-туганмас ҳаёт манбаини асарлардан асарларга турли композициялар орқали акс эттирган.

Бу ерга келсангиз ижодкорнинг нафақат рангтасвир асарларини балки санъатнинг янги

йўналишларидан бири бўлган видео-артда яратган ижод намунасини ҳам кузатишингиз мумкин. Шунингдек, сизни заминимиз табиати, сув ресурслари ҳақида ўй-фикрларга чорлайди.

Асарлар сувнинг мовий рангида яратилганлиги сабаб, улар томошабинини тинчлантириб, ҳаётга бўлган соф туйғу ҳамда яшашга бўлган иштиёқини уйғотади.

Экспозициядан рассомнинг 20 га яқин асарлари ўрин олган.

Кўргазма 11 июлга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Камолот — орзуларга қанот!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Тадбир «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, унда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 200 нафар маҳалла ёшлари ҳамда меҳмонлар қатнашди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида 9 та маҳалла жойлашган бўлиб, «Камолот» ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан маҳаллаларда истикомат қилувчи ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизни асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафқуралар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишлари, ўз истеъдодларини намойиш этиш, спорт билан шуғулланиш, билим олиш ва ўз устида ишлашлари учун кенг имкониятлар ярати

бериш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

— Ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларни ўз хоҳишларига кўра турли хунарларга йўналтириш, ёзги таътилни мароқли ўтказишларига кўмаклашиш ва маданий дам олишларини тўғри ташкил этиш мақсадида ҳамда «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан бир қанча ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз, — дейди Кенгаш раис ўринбосари Илҳом Камолов. — Жумладан, маҳалла ёшларининг «Спорт — саломатлик гарови» мавзусида маҳаллалараро спорт мусобақаларининг алоҳида жадвал асосида ҳар битта маҳаллада ўтказилиши ҳамда Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойла-

рига маҳалла ёшларининг ташрифлари уюштирилиши режалаштирилган.

Тадбир дастуридан «Университет» маҳалласида истикомат қилувчи қизлар иштирокидаги рақс ва кўшиқлар, йигитлар иштирокида «Кувноқлар ва зукколар» томошаси ҳамда мавжуд 9 та маҳалла болажонлари иштирок этган турли хил ўйинлар ва бошқотирмалар ўрин олди. «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган «Сардорлар Кенгаши» аъзолари ижросидаги бадиий-музыкаий чиқишлар ҳам йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўйлаймизки, ўтказилаётган бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил вақтини мароқли ва файзли ўтишига, уларнинг маънавиятининг юксалишига замин яратиши, шубҳасиз.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 7 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 20 июнь кунги 10-1410/7037-сонли иккоро варакасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Бордонқўл ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган:

1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001 литердаги маъмурий. Бошлангич нархи 89 525 048,65 сўм.

2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002 литердаги қоровулхона. Бошлангич нархи 9 384 237,10 сўм.

3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003 литердаги омборхона. Бошлангич нархи 16 043 470,10 сўм.

4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0004 литердаги омборхона. Бошлангич нархи 25 346 349,72 сўм.

5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошлангич нархи 28 121 820,87 сўм.

6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005 литердаги ёрдамчи бино. Бошлангич нархи 4 624 155,90 сўм.

7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006 литердаги омборхона. Бошлангич нархи 76 147 513,30 сўм.

8. Умумий майдони 169 кв.м. бўлган, 0007 литердаги ҳовуз. Бошлангич нархи 26 844 153,70 сўм.

9. Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган, 0008 литердаги омборхона. Бошлангич нархи 109 778 803,33 сўм.

10. Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси. Бошлангич нархи 259 299 274,98 сўм.

II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2014 йил 3 апрель кунги 1-12/14-сонли иккоро варакасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулов

қўчмасида жойлашган қуйидаги қўчмас мулк ва 6 турдаги ускуналар мулккий мажмуа сифатида:

1. Умумий фойдали майдони 10989,83 кв.м. бўлган бино-иншоотлар. Бошлангич нархи 4 202 142 877 сўм.

2. Волоочильный стан 2 (R.B.D). Бошлангич нархи 583 769 976 сўм.

3. Волоочильный стан 1 (Rolling machine). Бошлангич нархи 1 171 610 899 сўм.

4. (EXTRUDION VA CHINE) QLVG-650 экструдери. Бошлангич нархи 448 974 980 сўм.

5. UPWARD CUSTING русумли минси эритувчи печка. Бошлангич нархи 889 398 055 сўм.

6. ZWICH Roel 2020 RESISTOMAT электр анжони. Бошлангич нархи 116 733 495 сўм.

7. DIESEL GENERATOR AKSA model APD 550C дизели генератори. Бошлангич нархи 126 655 414 сўм.

Юқоридаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабулданган расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхташилади. Аукцион савдосида қатнашиш истади бўлган талабгорлар қўчмас мулк бошлангич нархининг 10% микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида иккоро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

№ 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги кўч., 18-й. Тел.: (0-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 655

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ